

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2022 йил 01 мартдаги 71-сонли
буйруғига 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш УСЛУБИЁТИ

1 боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур услубиёт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига (*кейинги ўринларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги*) юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келиб чиқадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаб беради ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантиришга қаратилган.

2. Қуидагилар Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсади ҳисобланади:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг қўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиши.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуидагиларни ишлаб чиқилишини назарда тутади:

Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги, коррупцияга қарши курашиш чоралар (*тадбирлар*)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки қуидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ички ҳужжатлари ўзгариши;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги функцияларининг коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шартшароитларнинг келиб чиқиши.

5. Ушбу Услубиётда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

қолдиқ хавф-хатар – коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чораларни қабул қилингандан сўнг қолувчи хавф-хатар (*яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашии сиёсатни ва тартиб-таомилларни, хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ва жорий этилган назоратларни ҳисобга олган ҳолда*);

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш – Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти;

коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси – Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (*схемалар*) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олевчи бирлашган хужжат;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва (ёки) олиш ёхуд бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (*пора олиш*) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

тартиб-таомил – Соғлиқни сақлаш вазирлиги функцияларини амалга ошириш доирасидаги ходимлар, бўлинмалар томонидан бажариладиган ёки битта натижага қаратилган, ёхуд маълум бир функциянинг ажралмас элементи ҳисобланган, аломатлар бўйича бир гурухга бирлаштириш мумкин бўлган ҳаракатлар йифиндиси;

функция – бир нечта тартиб-таомилни ўз ичига олиши мумкин бўлган Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ички жараён (*фаолият йўналишилари*)ларидан бири;

эксперт фикри – аниқ факт ёки ҳодиса бўйича ходим ёки бўлинманинг субъектив қараши ёки фикрига асосланган қарори.

ўзига хос хавф-хатар – Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолияти ва амалга оширилаётган функциялари хусусиятидан келиб чиқадиган хавф-хатар, шу билан бирга уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши ҳисобга олинмаган ҳолда (*яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашии сиёсати ва тартиб-таомиллари, хавф-хатарларни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва жорий этилган назоратлар ҳисобга олинмаган ҳолда*);

ҳудудий ёки таркибий бўлинманинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси – ташкилотнинг ҳудудий ёки таркибий бўлинмасидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ҳамда орган ёки муассаса функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (*схемалар*) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи ҳужжат.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Комплаенс хизмати (*кейинги ўринларда – Комплаенс хизмати*) томонидан ташкилот раҳбари топшириғи асосида амалга оширилади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари топшириғида баҳолашни ўтказиш аниқ муддатлари кўрсатилади.

7. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда Комплаенс хизмати куйидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларни жалб қилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлигига хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини ташкиллаштиради;

Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни амалга оширади;

Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар, шунингдек ташкилот марказий аппарати, ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига мазкур Услубиётда қўзда тутилган тартибга риоя қилиш бўйича маслаҳатлар беради;

марказий аппарат бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул раҳбар ўринбосари билан келишади;

марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмаларнинг коррупциявий хавф-хатарлари харитасини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасига умумлаштиради;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари ва тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинмалар раҳбарларига хавф-хатарларни баҳолаш натижалари ва коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тақдим этади;

тасдиқланган хавф-хатарлар харитаси асосида ҳудудий ва таркибий бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлар лойиҳаларини қўриб чиқади ва уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

марказий аппарат бўлинмаларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини ишлаб чиқади ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул раҳбар ўринбосари билан келишади;

марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқади;

Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қиласи;

ушбу Услубиётда қўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Комплаенс хизмати зарур ҳолларда марказий аппарат таркибий бўлинма раҳбарлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллардан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

8. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинмаларда коррупциявий хавф-хатарлар баҳоланишини ташкил қиласди ва ўтказади;

тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинмаларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан назоратни амалга оширади;

тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинмаларнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинмаларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларини ишлаб чиқади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинмаларда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини амалга оширишни мувофиқлаштиради ва назорат қиласди;

ушбу Услубиётида кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар зарур ҳолларда тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинма ходимларидан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

2 боб. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш

9. Соғлиқни сақлаш вазирлигида коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш жараёни тегишли буйруқлар ва уларда кўрсатилган муддатлар асосида амалга оширилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолашнинг умумий муддати 3 ойдан ошмаслиги лозим.

10. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини дастлабки баҳолаш ва тегишли функциялар доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари томонидан амалга ошириладиган айrim тартибтаомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашни ўз ичига олади.

11. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш, пастдан тегишли марказий, ҳудудий ва таркибий бўлинмалардан тепага (*ташкилот даражасигача*), мазкур бобнинг 12-21 бандларида кўрсатилган тартиб ва кетма-кетликда амалга оширилади.

12. Комплаенс хизмати ушбу Услубиётига 1-иловада келтирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати, ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига кўрсатма юборилишини таъминлайди.

Кўрсатмада тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарлар Комплаенс хизматига тақдим этиш муддатлари кўрсатилиб, бу муддат йигирма беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилиб Комплаенс хизмати марказий аппарат учун ягона Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш мақсадида киритилади. Марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Комплаенс хизмати томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш йуналишига масъул раҳбар ўринbosари билан келишиллади.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинманинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари томонидан ишлаб чиқилади ва тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарлари билан келишиллади. Тегишли раҳбар билан келишилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Комплаенс хизматига кўриб чиқиш учун киритилади.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига оид саволлар юзага келган тақдирда, Комплаенс хизмати ходимлари тегишли таркибий бўлинмага изоҳ бериш ёки харитага тузатиш киритиш учун сўров юборади. Бунда, сўровга жавоб сўров олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда юборилиши лозим.

16. Комплаенс хизмати ходимлари ўз экспертилик фикрига таянган ҳолда Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

17. Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида Комплаенс хизмати Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини ишлаб чиқади.

18. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тузиш муддати, марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинманинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси тасдиқланган санадан бошлаб, ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

19. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси ташкилот Комплаенс хизмати тақдимномасига асосан ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

20. Қолдиқ коррупциявий хавф-хатарнинг юқори даражаси билан ифодаланадиган тартиб-таомиллар учун Комплаенс хизмати ва коррупцияга

қарши курашиш учун масъуллар ушбу Услубиётининг 2-иловасига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқади.

21. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Комплаенс хизмати ва коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар тақдимномасига асосан ташкилот раҳбари ва тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

22. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар томонидан тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасида белгиланган чора-тадбирларга асосан ҳудудий ва таркибий бўлинмаларнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ушбу Услубиётининг 3-иловасига мувофиқ Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси тасдиқланган санадан ўн иш куни ичида ишлаб чиқилиб тасдиқланади.

Ҳудудий ва таркибий бўлинмаларнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури Комплаенс хизмати билан келишилгандан сўнг тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

23. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Коррупцияга қарши курашиш дастури марказий аппарат бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини инобатга олган ҳолда Комплаенс хизмати томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари томонидан тадиқланади.

З-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги (ҳар йиллик) баҳоланиши

24. Соғлиқни сақлаш вазирлигига коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги баҳоланиши доимий равишда, бир йилда камида бир марта, коида тариқасида йил бошида Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарининг тегишли буйруғи асосида ўтказилади.

Кейинги (ҳар йиллик) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш муддати 2 ойдан ошмаслиги лозим.

25. Йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ушбу Услубиётининг 2-бобида кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш тартибида амалга оширилади.

26. Ҳар йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бошланишидан олдин Комплаенс хизматининг марказий аппарати, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари раҳбарларига олдинги баҳолаш даврига нисбатан қонунчиликда ёки ички идоравий ҳужжатларга киритилган ўзгаришларни

аниқлаш мақсадида ушбу Услубиётга 4-иловага мос шаклда Сўровнома юборади.

27. Комплаенс хизмати марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан тўлдирилган Сўровномаларни йигади ва таҳлил қиласи.

4-боб. Соғлиқни сақлаш вазирлигида амалга ошириладиган функциялар ва тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш тартиби

28. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ташқи ва ички ахборот манбаларидаги маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилади, жумладан:

ташкilotning функцияларини тартибга солувчи норматив-ҳукуқий хужжатлар ва ташкilotning ички хужжатлари (*мисол учун, таркибий бўлинмалар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тўғрисидаги низомлар ва ҳ.к.*);

ички текширувлар материаллари, шу билан бирга хизмат текширувлари материаллари;

ички аудит ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг натижалари;

одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишлари натижалари;

манфаатдор томонлар, давлат хизмати олувчилар, эксперtlар ва бошқа манфаатдор шахслар орасида ўтказилган сўров, жумладан ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича ташкilotning ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид мурожаатлар;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятидаги ҳукуқбузарликларга оид статистик маълумотлар;

коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожжатлари;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисида оммавий ахборот воситаларидағи маълумотлар;

ижтимоий тармоқларда қолдирилган изоҳлар;

ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан жиноят ишларига доир ахборотлар ва бошқалар.

29. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳар бир функцияси ва тартиб-таомили бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этилиши имкониятлар борлиги бўйича таҳлил қилиш лозим.

30. Ҳар бир функция қуидаги шкала бўйича баҳоланади:

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функция;

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функция.

31. Ўрганилаётган функция доирасида амалга оширилаётган тартибтаомилларнинг ўзига хос хавф-хатарини баҳолаш қуидаги мезонларга кўра амалга оширилади:

ўзига хос юқори хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартибтаомилларга берилади;

ўзига хос ўрта хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартибтаомилларга берилади;

ўзига хос паст хавф-хатар хавф-хатарлар кўзда тутилмаган ва ташкилотнинг Комплаенс хизматининг асосли хulosаси асосида истисно тариқасида қўлланилиши мумкин.

32. Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш хавф-хатарли ҳодисани амалга ошишининг эҳтимоли (*мазкур Услубиётнинг 5-иловаси 5.1 жадвалдаги мезонларга қаранг*) ва коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат даражаси (*мазкур Услубиётнинг 5-иловаси 5.2 жадвалидаги мезонларга қаранг*)ни ҳисобга олган ҳолда хавф-хатарлар аҳамиятлилик шаклидан фойдаланиб амалга оширилади (*мазкур Услубиёти 5-иловасидаги 5.1 расм*).

5 боб. Коррупциявий хавф-хатарнинг қолдиқ даражасини минималлаштириш чоралари

33. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоратадбирларини белгилашда:

ҳар бир чора Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари унинг мақсадлари, пировард натижаси ва маълум бир коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш билан алоқасини тушуниши учун аниқ ва равshan ифода этилиши;

ҳар бир чора учун уни амалга ошириш муддати ёки даврийлиги белгиланиши, уни амалга ошириш учун масъул шахслар, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизмлари аниқлаб олиниши зарур.

34. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасига киритилган, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

Коррупцияга қарши курашиш дастурларига ҳам киритилади (*мазкур Услубиётнинг б-иловаси*).

35. Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш устидан назорат Ички назорат тузилмаси томонидан амалга оширилади.

6 боб. Якуний қоидалар

36. Зарурат бўлганда, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар бўйича Комплаенс хизмати томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарига таклифлар киритилади.